

## XIV-XV ASRLAR SAMARQANDDA ADABIY RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI

**Shukurov Foziljon Makhmadovich**

*Sharof Rashidov nomidagi SamDU tojik filologiyasi va xorijiy sharq tillari kafedrasasi o'qituvchisi,  
PhD*

### ARTICLE INFO.

#### Key Words:

Literary environment, reciprocal poetry, plaintiff poets, exaggeration, deevan, gazelle, mukhammas, creative competition, Bisotiy, works.

### Annotation

During the reign of Sahibkiran Amir Temur, a strong literary atmosphere existed in Maverannahr, which influenced not only its development here, but also all Persian-speaking regions. This literary environment that arose after the Mongol invasion, despite the difficult period, not only did not die out, but also achieved high results. The article deals with the place of "reciprocal poetry" of the figures of this literary environment, which had a great influence on the literature of that period, causing the discovery of new aspects of poetry in the future.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**INTRODUCTION.** XIV-XV asrlarda Movarounnaхrda кулай шароит туфайли илм-фан ва маданият, шу қаторда адабий муҳит ҳам ривожланди. Амир Темур салтанатининг пойтахти сифатида Самарқандда, унинг адабий муҳитида кўплаб кучли шоирлар фаолият олиб бориб адабиёт ривожига катта ҳисса қўшдилар. Чунончи, тарихчи Ибн Арабшоҳ турли соҳа олимлари қаторида бир неча шоирларни, хусусан, Самарқандда аруз илмининг энг кучли билимдонларини ҳам Темур тўплаганини ёзади: "...Булар номлари эсимда қолган шахслардир. Аммо мен билмаган шахслар ёхуд номлари эсимда қолмаганлари саноксиз бўлиб ҳисоб-китоби йўқ" [8, 69]. Бундан келиб чиқадики, Самарқандда олимлар қаторида саноксиз шоир ва адабиёт билимдонлари ҳам кўп йиғилган. Афсуски, манбалар муаллифлари улардан фақат бир неча номларни келтирган, холос. Гарчи Темур саройида адабий доира мавжудлигига ҳануз етарлича далил бўлолмаса-да, аммо шаҳарда кучли адабий муҳит мавжуд бўлган. Шу асосда мазкур масала юзасидан олиб борган изланишларимиз бу фикрнинг тўғрилигини ва Самарқандда Амир Темур даврида йирик адабий муҳит мавжудлигини тасдиқладиган далиллар қўлга киритилди. Чунончи, Исомий, Бисотий каби шоирлар Темур даврида ижод қилиб Самарқанд адабий муҳити шаклланишида катта таъсир кўрсатган. Улар қаторида Камол Хўжандий, Хожа Исмаи Бухорий, Барандақ Хўжандий каби ўша даврнинг буюк шоирларнинг ҳаёт - фаолияти ҳам Самарқанд билан боғлиқ эди. Шубҳасиз, Самарқанднинг бу давр адабий муҳитнинг таниқли сиймолари атрофида, албатта, яна бошқа сўз намояндалари ҳам тўпланган. Эҳтимол, кейинги изланишлар натижасида мазкур давр адабиётининг яна бошқа намояндалари номи ва асарлари намуналари аниқланар. Шу тариқа Темур жонбозликлари туфайли мамлакат ҳар томонлама тараққиётга юз тутди ва бунинг барчаси адабий ҳаётга ҳам таъсир ўтказиб жунбушга келтирди.

Натижада, мамлакатнинг сиёсий-маданий маркази Самарқандда адабий муҳит юзага келиб

номлари зикр қилинган шоирлардан ташқари яна кўплаб бизга номлари маълум бўлмаган сўз намояндалари тўпланиб биргаликда адабий муҳитни яратганлар.

**MAIN PART.** Бу даврда шеър ва шоирлик юқори мавқега эга бўлиб гарчи сарой адабиёти ҳали шаклланмаган бўлса ҳам аммо халқ ўртасида адабий муҳит ўз ривожини давом эттирарди ва сермазмун асарлар яратиларди. Шундай шароитда, табиийки шоирлар ўртасида ижодий рақобат авж оларди ва бир-бирларининг шеърларига жавоб ёзиш йўналиши адабий жараёнга катта таъсир кўрсатарди [3, 223].

Ҳар бир шоир ўз маҳоратини улуғ шоирларга нисбатан кўрсатиш ёхуд улар билан ўзини тенглаштириш мақсадида машҳур шеърларига жавоб ёзардилар ва бу узоқ бир жараён сифатида давом этарди. Даъвогар шоирлар жавоб шеърлар ёзиш билан ўзларининг бошқалардан кучлилигини кўрсатиш, ўзларининг буюклик даражасини намоён этиш мақсадида, оддийроқ қилиб айтганда “қани, сен зўр санми ёки менми?” деган маънода куч синашардилар. Жавоб айтишнинг бу усули бир маҳдуд доирада ёки муайян бир муддатда эмас балки ҳудуди ва муддати чекланмаган бир мусобақа шаклидаги мушоирага айланарди. Чунончи, XIV асрда Ҳофиз Шерозий ҳам Саъдий, Хожу Кирмоний, Салмон Соважий ва бошқа кучли шоирларнинг ғазалларига энг сара жавоблар ёзган.

Э.Ёршотир бу давр адабиётини ҳар томонлама таҳлил қилиб бошқа хусусиятлари қаторида шоирларнинг татаббуъ ёзиш ва назиранавислик йўналишига алоҳида эътибор берган [7, 10]. У Хуросон шоирларининг жавобнавислик йўналишини таҳлил қилиш орқали унинг маркази Ҳиротда XV аср биринчи ярмида кучли адабий муҳит мавжудлигини исботлади. Маълумки, бу даврда икки асосий адабий марказ – Самарқанд ва Ҳирот адабий муҳитлари фаол эди ва Самарқандда асосан Мовароуннаҳр адиблари, Ҳиротда эса Хуросон адиблари тўплаган эдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур муҳаққиқ Мовароуннаҳр адабий муҳитини ҳар томонлама тадқиқ қилмаган, зеро бунинг учун унда шу адабий муҳитга оид материаллар етарли бўлмаган. Ҳатто унинг ўзи таъкидлашича, бу адабий муҳитнинг энг кучли шоирларидан бири бўлган Хожа Исмаъилнинг девони ҳам унинг қўлида мавжуд бўлмаган [1, 46].

Аммо бу борада олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Мовароуннаҳр адабий муҳитида кенг миқёсли мушоиралар ҳамда шоирларнинг жавоб ёзиш орқали куч синашлари анъанаси кенг тарқалган эди. Ҳар бир шоир бошқалардан устунликни қўлга киритиш учун шеърларида янада кўпроқ мазмун ва образларни ва янгидан-янги маъноларни қўллашга ҳаракат қиларди. Бу жараён таҳлилидан ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари ойдинлашади. Ижобий томони шундаки, бу интилиш ва саъй-ҳаракатлар натижасида шоирлар янада кўпроқ янги ва ҳали ишлатилмаган мазмун ва образларни яратишга эришадилар. Мовароуннаҳр адабий муҳитининг энг машҳур шоирларининг девонларини таҳлил қилинишидан маълум бўладики, улар ҳам олдинги буюк шоирлар шеърларига жавоб ёзишга ҳаракат қилиш натижасида янги мазмун ва образларни яратишга муяссар бўлганлар. Масаланинг салбий томони эса айрим муддаий шоирлар жавобнавислик йўналишини шоирлар ўртасидаги кескин баҳс-мунозара ҳатто тортишувга айлантирардилар ва айтиш мумкинки, айрим шоирлардаги худбинлик ҳисси ортиб ўзларига рақиб деб билган ижодкорларга, ҳатто адабиётнинг буюк намояндаларига нисбатан ҳам таъна ва ҳақоратомуз сўзларни раво кўрардилар. Шунга ўхшаш баҳс-тортишиш масалан, Бисотий Самарқандий ва Камол Хўжандий ёхуд Хожа Исмаъил ва Барандақлар ўртасида содир бўлган эди [2, 640].

Ўтмишда ва бугунги кунда адабиётшуносликда олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, XIV аср охирлари XV бошларида Самарқанд адабий муҳитининг ривожланиши жараёни ва унинг намояндалари, шу адабий муҳитда яшаб ижод қилган шоир Бисотийнинг ижодий мероси ҳақида форс-тожик, туркий тилдаги манбаларда қисқача маълумотлар келтирилган [5, 237], аммо булар шоир вафотидан кейинроқ таълиф этилганлиги, уларда маълумотларнинг такрорланганлиги боис масаланинг кўп жиҳатлари аниқланмай қолган.

Бисотий Самарқандий XIV аср охирлари XV аср бошларининг забардаст шоирларидан ҳисобланиб Амир Темур ва унинг набиралари Халил Султон ва Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларда яшаб самарали ижод қилган. Исми Сирожиддин, тахаллуси “Ҳасирий” ва “Бисотий” бўлиб асосан Бисотий номи билан шуҳрат топган. Унинг “Мавлоно” деб аталиши эҳтиром эгаси ва замон билимларини эгаллаганини билдиради. Адабий манбаларда у ширинбаён ва нозиктаб шоир сифатида зикр қилинган. Чунончи, Давлатшоҳ Самарқандий шоирнинг ҳаёт-фаолияти ва мероси ҳақида маълумот берган илк муаллифлардан бўлиб, уни “адим ул-мисл” (мислсиз шоир) ва “малех ул-калом” (ширинкалом) деб юқори баҳо берган [5, 237].

Bisotiy - lirik shoir. U o'zining ichki hissiyoti, jo'shqin iztirob-hayajonlarini xos tarzda, latif va ravon tili hamda noyob obrazlar yaratish qobiliyati vositasida yorqin tasvirlashga erishgan. Shoir g'azallaridan ma'lum bo'lishicha, u buyuk so'z ustalari ishlatgan an'analardan samarali foydalanib shu zaminda yangi mazmun va obrazlar yaratgan, tasvirlagan har bir obraz zamiriga o'sha holatga xos bir ruhni joylashtira olgan. O'quvchi ham uning she'rlarida o'zining ranj-iztiroblari yoki quvonch-shodliklarini ko'radi, lirik qahramon bilan birga ruhiy holatlarni his qiladi. O'z davridagi shoirlar kabi, Bisotiy ijod yo'lining ilk pog'onalaridan boshlab, ma'lum bir bosqichlarda Hofiz, Rumi, Salmon va Hoja Ismat kabi ustozlarga izdoshlik qilgani, ular ta'sirida bo'lgani kuzatiladi. Keyinchalik asta-sekinlik bilan o'z mahoratini sayqal berib, betakror iste'dodini namoyon etgan va o'zi ustozlik darajasiga yetgan.

Мумтоз манбаларга мурожаат этган XX аср шарқшунос ва адабиётшунослардан Ҳ.Эте, Л.Керен, В.В. Бартольд, Я.Рыпка, Е.Бертельс, Э.В.Ртвеладзе, З.Сафо, И.Ҳоқимий, Ш.Б.Техроний, З.Мўътаман, Ҳ.Анўша, Г.Маоний, М.Таботабойи, ўзбек адабиётшунослардан И.Мўминов, Б.Аҳмедов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Мухаммаджонов, О.Бўриев, тожик адабиётшунослардан С.Айний, Т.Зеҳний, Х.Мирзозода, С.Саъдиев, А.Афсаҳзод, С.Воҳидов, А.Зоҳидов, Ш.Нуриддинов каби тадқиқотчилар ҳам бу борада фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. СамДУ филология факультетида 2011 йил С.Саъдиев раҳбарлигида битирувчи Б.С.Тошбоев томонидан “Бисотий Самарқандийнинг ҳаёт ва ижоди” мавзусида битирув иши бажарилган [14, 42].

Буюк шоирларга, жумладан, Камол ғазалларига жавоб ёзиш истаги хусусан, Самарқандда кўп учраган. Маълумки Камол ҳам Саъдий ва Ҳофиз каби буюк ғазалнависларга атаб шеърлар ёзиб ҳатто ўзини улардан ҳам юқори қўйган. Чунончи, Ҳофиз бир ғазалида айтади:

ستاره ای بدرخشیدو ماه مجلس شد

دل رمیده مارا انیس و مونس شد.

(Мазмуни: Бир юлдуз чақнади ва мажлисининг ойига айланди, у менинг узоқлашган юрагимга муниси бўлди).

Камол унинг жавобида ёзади:

نشدد بطرز غزل همعنان ما حافظ

اگرچه در صف سلطان اب الفوارس شد

(Мазмуни: Ғазал тарзида Ҳофиз бизга тенглаша олмади, гарчи Султон Абулфаворис қаторида жой олган бўлса ҳам).

Аммо эронлик муҳаққиқ Партав Нодирий айтганидек: “Шубҳасиз, Камол ўзининг орифона нафаси билан бу ерда кўпроқ ҳиссиётга берилган”. Дарҳақиқат, шайх Камолнинг бу муболағасида ҳиссиёт таъсири сезилади. Афғонистонлик адабиётшунос Восиф Бохтарий қайд қиладики: “Камолнинг Ҳофиз татаббуида ёзилган ғазалларининг сони элликкага етади” [11, 476]. Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим” асарига таяниб ёзган Партав Нодирийнинг хулосаси ҳақиқатга яқин келади. Унинг ёзишича, орифлар уларнинг суҳбатларига эришиб айтадиларки, Камолнинг суҳбати Ҳофиздан афзалроқ ва Ҳофизнинг шеъри эса ундан афзалроқдир, яъни

Ҳофизнинг суҳбатига эмас, балки шеърига устунлик берганлар. Мазкур тадқиқотчилар ҳаққоний равишда Камолни Ҳофизнинг шеърига таъсир кўрсатган шоирлардан деб билдилар. Жумладан, “Ҳафт иқлим” да келтириладики, “Дедилар, Ҳожа Ҳофиз ғоибона Шайхга фаровон эҳтироми бор эди ва ҳар доим Шероздан мактублар юбориб ашъор талаб қиларди” [11, 476]. Камолнинг ўзи эса барча шоирлардан ўзини устун билиб фақат Жалолиддин Румий, Аттор ва Низомийга алоҳида эҳтиром кўрсатиб ўзини уларга тенг деб биларди. Жумладан, бир жойда айтади:

يار چون بشنيد گفتار کمال  
گفت مولانايبی و عطار ما.

(Мазмуни: Ёр Камол сўзини эшитгандан сўнг деди: бизнинг Мавлоно ва Атторимизсан).

Камолнинг ғазаллари доимо Бисотийнинг назарида бўлиб унинг айримларига жавоб ҳам ёзган.

Давр шоирларининг жавобия йўналишидаги фаолиятини аниқлаш масалага ойдинлик киритиш мақсадида, уларининг мавжуд девонларини тадқиқ этишга киришдик ва Мовароуннаҳр шоирларининг ўртасида ҳам бу ҳодисанинг таъсири катта эканлиги маълум бўлди. Чунончи, Исмаил Бухорий девонининг таҳлили шуни кўрсатдики, у Амир Хусрав Дехлавийга ёзган татаббуълари билан бирга, Ҳасан Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Салмон ғазалларига майл-рағбат кўрсатиб уларнинг ғазалларига жавоб ёзишга ҳаракат қилган [5, 237]. Кўришиб турибдики, Хаёлийнинг жавоблари гоҳида тақлид даражасига етган бўлса ҳам, аммо у суҳандонликда ўзининг хос маҳорати кўрсатган. Жумладан, у Бисотийнинг “Дил шишаву чашмони ту ҳар гўша барандаш” (Дил шишадир ва сенинг кўзларинг уни ҳар томонга олиб борадилар) деган машҳур ғазалига диққатга сазовор жавоб ёзади ва унга нозиктабъ замондошлари ҳам юқори баҳо берадилар [6, 162]:

چشمتم ار شیشه دلها شکند باکی نیست  
کی تواند که چنین مست چینیها نکند.

(Мазмуни: Агар сенинг кўзларинг диллар шишасини синдирса ажабмас, чунки маст киши бундай ишларни қилмасдан иложи йўқ).

Айтиш керакки, айнан шу даврда ҷавоб ёзишнинг навлари - тазмин, назираларнинг ёрқин намунаси сифатида Бисотийнинг шу ғазалини мисол келтириш мумкин. Чунки, келгусида адабиёт аҳли ўртасида бу ғазал катта бир шов-шувга сабаб бўлди ва катта-ю кичик унга назира ёзишга киришиб бир нав куч синашни бошладилар. Жумладан, Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида [13, 204] бунга Мавлоно Маҳмуд деган ҳиротлик шоирнинг қуйидаги ҳазиломуз жавобини келтирган:

قد تو نهالیست کز او میوه خوردنش  
عصفور سر شاخ تو دندان شکندش.  
تبخاله بگرد لب شکرشکنش بین  
مانند نخودی که بشوربا فکندش.

(Мазмуни: Қадинг ундан мева ейдиган ниҳол кабидир // Унинг шоҳида ўтирган чумчуқнинг тишларини синдирадилар. Шакардан ширинроқ лабининг гирдида табхолани кўр // Шўрвага ташланадиган нўхатга ўхшайди).

Бисотийнинг бу байтини “Хизонаи омира” асари муаллифи Мир Ғулом Алихон Орзу “ганжи шойгон” (қимматли ганж) деб баҳо бериб ёзади: “Қофиядаги айбларни билгувчилар билдиларки, бу матлаънинг қофияси нуқсонлидир, аммо сўздаги маҳорат мақсадга муборак-қутлуғ келди ва уни қимматли ганжга айлантди” [12, 462]. Шоирнинг бу ғазалига ҳатто ҳиндий услубининг буюк намояндаларидан бири Урфий Шерозий [9, 165] ҳам назира ёзган:



دارم بچشم او دل اندوه پيشه را

غافل از اين كه ميشكند مست شيشه را

(Мазмуни: *Ғамгин дилимни унинг кўз олдига келтираман // Аммо мен гофил эдимки, маст шиишани синдиради*).

Ma'lumki, Bisotiy o'zi yashab ijod etgan adabiy muhitda ham ohori to'kilmagan badiiy timsollari, yangidan-yangi badiiy tashbihlar yarata olish qobiliyati tufayli yuqori martabaga ega shoir hisoblangan. Fikrni sodda usulda bayon etilishi va maqsadning tushunariligi bilan birga, chuqur mazmun va ma'no qirralarini tasvir ipiga tizish Bisotiyga xos xususiyat hisoblanib, uning she'riyatidagi aynan shu jihatlar she'rshunoslar e'tirofiga sabab bo'lgan. Shu bois, shoir ayrim holatlarda o'ziga yuqori baho bergan va hatto faxriyalar yozgan. Muhimi, bundan keyin eski uslubda ijod qilmasdan zamon talabiga qarab she'rga ham yangilik kiritish lozim, degan fikrni Bisotiy o'z davrida to'g'ri anglagan va shu yo'nalisha harakat qilgan. Shoirning diqqat markazida insonning ichki olami va uning hissiyotlarini yorqin tasvirlash muhim o'rin tutadi. Shu o'rinda Bisotiyning lirik qahramoni, ya'ni uning tasvirlagan "Men"i ishq yo'lida chekkan barcha ranj-azoblar, xorlik va ayriliqlarga sabr-bardosh qilib maqsad - ruhiy poklanish, o'zligini anglash, komil inson darajasiga yetishi mumkinligi ma'lum bo'ladi.

**CONCLUSION.** Шу тарика, Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросон адабий муҳити каби, иккита омил, биринчидан, жавоб ёзиш истаги билан шеърлар ёзиш жараёни авж олган эди ва бу ҳолат шоирлар ўртасидаги мушоира ва мусобақага айланган эди. Табиийки, бундай муҳитда шоирлар мазмундор ва маъноли, айна вақтда ҳайратланарли шеърлар ёзишга интиланганлар. Натижада кучли бир адабий муҳит вужудга келиб шоирлар ўртасидаги рақобат кучайиб борди. Адабий муҳит намояндalari эса, бошқалардан ўз устунлигини намoён этиш учун янгидан-янги маъно ва образларни яратиш йўлида ижод қилардилар. Иккинчидан, Амир Темур ҳарбий юришлардан қайтиб ўзи билан бирга ҳунарманд ва олиму фозалолар ҳамда адабиёт аҳлини ҳам Самарқандга келтирди. Чунончи, Ибн Арабшоҳнинг таъкидлаганидек, санoқсиз аруз илми билимдонлари ва шоирлар йиғилган эди. Учинчиси, Самарқандда қадимдан шеър ва шоирлик юқори мартабага эга бўлган ва унинг ривожидa табиий змин мавжуд эди. Шу асосий омиллар натижасида Самарқандда кучли адабий муҳит амал қиларди ва бу адабий муҳитни мажоз тарзида ифодаламоқчи бўлсак, "катта бир дошқозонга" ўхшатиш мумкин. Айна шу "дошқозоннинг қайнатилишида" юқорида қайд этилган омиллар сабаб бўлиб келажакда шу адабий муҳитнинг яна буюк адабиёт намояндalari етиштиришига кўмаклашган.

Бу даврда адабиёт ривожланишини давом эттириб адабий ҳаёт жонлана бошлаган эди. Бу борада алоҳида тазкиранинг мавжуд эмаслиги боис бизга фақат бир неча машҳур намояндalari маълум холос. Бу даврда сарой адабиёти ҳали шаклланмаган эди ва адабиёт халқ ўртасида, ҳунармандчилик дўконларида, мадрасаларда авж олиб қизиқарли мушоиралар бўлиб ўтарди. Бу адабий жараёнга Темурдан кейин унинг ворислари, айниқса, Халил Султон ва Улуғбек кўпроқ ҳисса қўшиб қўллаб-қувватладилар ва бу Мовароуннаҳрда адабий доиранинг гуллаб яшнашига олиб келди.

## REFERENCES:

1. Абдуллоев А. Масъалаҳои рушди адабиёти тоҷик дар нимаи аввали асри XV (доираи адабии Самарқанд). – Душанбе: Бухоро, 2016. – 46-б.
2. Алӣ Иброҳим Халил. Тазкираи Сухуфи Иброҳим. Техрон университети марказий кутубхонаси мавжуд бўлган қўлёзма нусхасидан факсимилеси. 640 б.
3. Бушмин А.С. Преемственность в развитии литературы, -2 изд. – Л.: 1978.-223 с.
4. Вамбери, Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 96 б.;

5. Давлатшоҳ бин Бахтишоҳ Самарқандӣ. Тазкират-уш-шуаро. Ба саъй ва эҳтимоми Мирзо Муҳаммад Шерозий. – Бомбай: Ширкат ул-китоб, 1881. – 237 б.;
6. Девони Хаёлии Бухорой бо тасхеҳи Азизи Давлатободӣ, Табрез: 1352, ҳичрии шамсӣ. - 162-б.
7. Ёршотир, Эҳсон. Шеъри форсӣ дар аҳди Шохрух. – Техрон: 1334. – 10-б.
8. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. – Т.: Мехнат, 1992.–69-б. 192 б.;
9. Каландаров Х.С. “Хизонаи омира” ҳамчун сарчашмаи омузиши таърихи адабиёти форсизабони асрҳои IX-XVIII. Рисола барои дарёфти дараҷаи илмии номзади илмҳои филология. – Душанбе: 2005.– 165 с.
10. Камоли Хучандӣ. Ашъори мунтахаб (бо графикаи арабӣ). Сталинобод: 1959. – 89-б.
11. Муқаддимаи Камолшиносӣ. – Хучанд: 2015. – 476-б.
12. Озод, Мир Ғуломалихон. Хизонаи омира. – Конпур, 1900, - 462 с.
13. Садриддин Айнӣ. Восифӣ ва хулосаи “Бадоеъ-ул-вақоъ”. Душанбе: 1956. – с. 204.
14. Тошбоев Б.С. Бисотӣ Самарқандӣ ҳаёт ва ижоди. Битирув иши. Самарқанд: 2011, - 42 б.
15. Шарафуддин Али Яздӣ. Зафарнома. – СамДУ қўлғезмалар фонди. Инв № 754. -1142 б.;
16. Эте Х. Таърихи адабиёти форсӣ. (Тарҷумаи доктор Ризозода Шафак). -Техрон, 1337. - 361 с.;